



НамМКИ академик лицейи

директори

Р.Гуламов

2022 йил

Наманган мухандислик қурилиш институти академик лицейидаги ўкувчилар ётоказида яшаётган ўкувчиларни уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи НамМКИ академик лицей

Ташкилий-хуқуқий шакли Бюджет ташкилоти

Манзил: Узбекистон Республикаси Наманган вилояти

Наманган шаҳри И.Каримов кӯчаси 12-үй

Директор: Р.А.Гуламов

1.2. НамМКИ академик лицейининг тендер комиссияси томонидан ижрои-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами курсатилган хизмат учун академик лицей ётоказида яшаётган жами 261 нафар ўкувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш учун бюджет маблағлари хисобидан 654649000 (олти юз эллик турт миллион олти юз қирк туккиз минг) сумни ташкил этиб, танлов таклифида курсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қушимча қиймат солиғи билан 654649000 (олти юз эллик турт миллион олти юз қирк туккиз минг) сум кийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Академик лицей ётоказида яшаётган 261 нафар ўкувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш ижрои-тадбиркорлик субъекти саралаш буйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахс мақомига эга булган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. 4.4.-банда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан утган, мазкур хизматни курсатиш бўйича тегишли руҳсатномага эга булиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши, Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш түғрисида»ги қарори, Узбекистон Республикаси Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-сон қарори ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий урта ва урта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишини ташкил этиш тартиби түғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Ижрочи курсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан утказилганлиги түғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Ташкилотнинг бош ошпаз ва барча ходимлари тишибий қуриқдан ўз муддатларида утганлиги түғрисида тишибий давтарчasi ёки гувоҳномалари нусхаси

4.4. Қуидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;
- инсофисиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солик ва бошқа мажбурий толовлар бўйича муддати утган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуидаги холларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноконуний келишуввлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал килиниши учун таъсир утказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг конунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тулов шартлари: Ижрочи томонидан курсатилган хизмат бўйича низомда белгиланган кун ва саналарда ҳисоб-варак фактура тақдим этиб бориши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан туловлар, ҳисоб-варак фактура тақдим этилган санадан бошлаб 1 ой давомида амалга оширилади.

5.3 Имтиёзли овқатлантириш бўйича таомномалар (меню) Буюртмачи маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Илова

Курсатилиши лозим булган хизмат

Хизмат тuri	Хизмат сони
Намангаи мухандислик курилиш институти академик лицейи ёткхонасида ёшаётган укувчиларнинг уч маҳал имтиёзли овқатлантиришни бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Буюртмага асосан